



# O'ZBEKISTON OVOZI

## ЎЗАРО ИШОНЧЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашув ўтказиш ҳамда Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммитида иштирок этиш учун Хитой Халқ Республикасига ташриф буюрди.**

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва ХХР Раиси Си Цзиньпин Хитой раҳбарининг Шанхай шаҳридаги қароргоҳида учрашув ўтказди. Суҳбат чоғида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини юксак баҳолади ва ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини белгилашда бундай учрашувлар муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланаётганини қайд этиб, Хитой раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

ХХР Раиси мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш тарафлари эканини таъкидлади. Си Цзиньпин Ўзбекистон раҳбари билан бундан бунён ҳам яқин шахсий мулоқотни давом эттиришга, икки томонлама муносабатларда «янада юксак марраларга эришиш учун барча сазой-ҳаракатларни ишга солишга» тайёр эканини қайд этди.

Хитой раҳбари давлатларимиз ўртасида минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш лозимлигини таъкидлади. Си Цзиньпин Ўзбекистон минтақадagi муҳим давлат эканини қайд этиб, Осиё мамлакатлари ўртасидаги ишончли, минтақадa тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт борасида мамлакатимиз билан ўзаро сазой-ҳаракатларни бирлаштиришни тақлиф этди.

Ислам Каримов ва Си Цзиньпин ўзаро ҳамкорликка доир қатор масалаларни, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш масаласини атрофича муҳокама қилди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган IV саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш қитъада ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган халқаро форумдир. Бугунги кунда Кенгаш 24 давлат аъзо. Ҳаққиз мамлакат ва тўрт халқаро ташкилот унинг қузатувчиларидир.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида таъкидлаганидек, бугун дунёда руй бераётган таҳликали, беқарор сиёсий ва иқтисодий воқеалардан хавотирга тушмаган давлат, жамият бўлмас керак. Бу, ўз навбатида, халқаро хавфсизликка ҳам таъсир ўтказмасдан қолмайди. Сунгги вақтларда жаҳоннинг айрим минтақаларида юзага келаётган вазиятни қузатар эканми, барқарорликни издан чиқарувчи омиллар — куч ишлатиш ва зўравонлик хавфи тобора кучайиб бораётганини афсус билан қайд этмок лозим. Халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик хавфи, миллатлараро ва конфессиялараро қарама-қаршиликлар ҳам қамайгани йўқ.

Ислам Каримов саммит қатнашчилари эътиборини муҳим масала — ишонч масаласига қаратди. Ўзбекистон раҳбари қарама-қарши томонларни муроссага келтириш учун, авваламбор, улар ўртасида юзага келган муаммони ҳал этишга қаратилган ўзаро хайрихоҳликка эришиш зарурлигини таъкидлади. Акс ҳолда, улар ўртасидаги барча музокаралар бир-бирига

эътироз билдиришдан нарига ўтмай қолиши ва бу ҳолат чексиз давом этавериши мумкин. Бу, ўз навбатида, дунёнинг турли минтақаларида ҳал этилмай келаётган зиддиятларни юзага чиқаради. Фақат ўз манфаатини кўзлайдиган ташки кучлар ушбу зиддиятларнинг авж олиши ва ҳатто чегарадан чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бироқ, вазият қандай тус олмасин, бундай зиддиятларнинг асосий сабаби бир-бирига қарши курашаётган томонлар ўртасида ўзаро ишончнинг йўқолишидир. Бу ишончни қайта тиклаш ва албатта, мустаҳкамлаш зарур.

Президентимиз ишонч — бу муҳим элемент ва асосий мажбурий эканини, бусиз тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ҳар қандай музокаралар жараёнида баҳсли масалаларни ҳал этиш, ўзаро тушуниш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш сари қўйилган мақсадларга эришиб бўлмамлигини таъкидлади. Аммо экспертларнинг фикрича, замонавий дунёда, биринчи навбатда, халқаро муносабатларда ўзаро ишонч мустаҳкамлашни ўрнига сусайиб бормоқда.

Ўзага келаётган реал вазият бунинг ушбу масалалар ўз ечимини талаб қилаётган гоёт долзарб муаммолар эканини кўрсатмоқда. Аксарият таҳлилчилар бугунги кунда жаҳондаги вазият шиддат билан ўзгараётгани ва глобаллашув кўлами кенгайиб, хомашё ресурслари ва коммуникацияларни назорат қилиш бўйича геосиёсий рақобат кучайиб бораётгани, беқарор давлатларда бўлгани каби ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ҳам даромд тенг тақсимланмаётгани бундай ҳолатлар юзага келишининг асосий сабаблари, деб ҳисоблайди.

Ислам Каримов таъкидлаганидек, бугунги кунда радикализм, халқаро терроризм, экстремизм ва наркотрафик мафқураси бир мамлакат ёки муайян минтақа муаммоси эмас. Бу муаммолар миллий чегарани билмайди, айниқса, ёш авлодни ўз домига тортмоқда. Давлатимиз раҳбарини терроризмни фақат ислом дини билан боғлаш мутлақо но-тўғри ёндашув эканини алоҳида қайд этди.

Кўнгина экспертларнинг фикрича, халқаро бошқарув институтларининг мувофиқлаштирувчи роли, биринчи навбатда, халқаро ҳуқуқнинг асосий нормаларига қатъий риоя этиш бўйича ягона ёндашувнинг заифлашгани вазиятнинг тобора кескинлашувига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон давлатлараро ва халқаро даражадаги ишончли қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш, шубҳасиз, дунёда зиддиятчи жараёнлар кучайишининг олдини олишда муҳим таянч ва асосий тўсиқ, нотинч минтақаларда ўзаро курашаётган марказларнинг бир-бири билан рақобатлашшининг, вазият кескинлашуви ва издан чиқишини тўхта-тишининг ишончли ва муҳим воситаси, деб билади.

Шу муносабат билан, давлатимиз раҳбари Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин нутқида Осиёда хавфсизликнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш бўйича билдирилган тақлифлар эътибор ва қўллаб-қувватлашга лойиқ эканини, ўзаро ишонч, манфаат, тенглик ва ҳамкорлик каби принципларни амалга ошириш ушбу концепциянинг асосий мақсадлари бўлиши даркорлигини таъкидлади. Ижтимоий тизим ва унга ёндашувдаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш, бошқа мамлакатларнинг ички ишлари-га аралашмаслик муҳим вазифадир. Шунингдек, минтақавий

иқтисодий ҳамкорликни изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, савдо ва инвестиция фаолияти учун қулай шароитлар яратиш, транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларида йирик қўшма инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, замонавий юқори технологик ишлаб чиқариш ва қувватларни ташкил этишга доир тақлифлар ҳам қўллаб-қувватлашга лойиқ. Президентимиз замонавий дунёда талаб юқори бўлган бундай янгича ёндашувлар бугунги кунда, айниқса, муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари қўшни Афғонистонни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Бугун шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Афғонистон муаммосини ҳал этишдан манфаатдор барча томонлар бир фикрда яқдил — Афғонистонда ҳарбий йўл билан тинчлик ўрнатиб бўлмайди. Ислам Каримов Ўзбекистон бу фикрни НАТОнинг 2008 йил апрелдаги Бухарест саммитида ҳам илгари сурганини қайд этди.

Можарони бартараф этишнинг ягона тўғри йўли — сиёсий йўл бўлиб, музокаралар орқали қарама-қарши томонларнинг ўзаро келишувига эришиб, мамлакатнинг асосий миллий-этниқ гуруҳлари вакилларидан иборат ҳуқуқматни шакллантиришдир. Ўзбекистон раҳбари Афғонистонда президент сайловининг иккинчи босқичи қонун доирасида ўтказилишига умид билдирди ва бу жафоқаш Афғонистон халқи учун тинч ҳаёт сари йўл очиб бериши мумкинлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Афғонистоннинг яқин қўшнисини сифатида унинг ички ишларига аралашмаслик, ҳамкорликни фақат икки томонлама асосда ташкил қилиш, Афғонистон халқи сайлаган ҳуқуқматни қўллаб-қувватлаш сиёсатида қатъий туради.

Ўзбекистон муроссага келаётган томонлар олдига нафақат музокара жараёнини чўзданган, балки кескинликнинг яна авж олишига, зиддият ва тортишувларнинг янада кучайишига олиб келадиган шартлар қўйилиши мутлақо самарасиз ва бунга сира йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Афғонистондан АЙСАФ тинчликпарвар кучларининг чиқарилишига келсак, ушбу мамлакатда юзага келган вазият қўшинларни 2014 йилнинг охирига қадар олиб чиқиб кетиш яқиний мuddатини узайтиришни талаб қилади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш олдига қандай мураккаб, ҳал этиш мушкул бўлган муаммолар турганини яқин тасаввур қилишини таъкидлади. Ушбу вазиятларнинг ҳал этилиши давлатлар ўртасидаги муносабатларни янада яхшилаш, кескинлик ва қарама-қаршиликларни юзага келтирадиган сабабларга барҳам бериш борасидаги барча сазой-ҳаракатларимизни оқлаши мумкин.

Президентимиз Ислам Каримов Хитой Халқ Республикасининг Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашга раислик қилиши Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги мураккаб муаммоларни ҳал этишда муҳим роль ўйнашига ишонч билдирди. Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашга раислик 2016 йилгача Хитойга ўтди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Хитой Халқ Республикасига ташрифини ниҳоясига етди. Президентимизнинг ХХР Раиси билан ўтказган учрашувлари икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ишончли муносабатларга, мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини стратегик шериклик руҳида ривожлантиришга хизмат қилади.

**Баҳодир ЭРҒАШЕВ,**  
**ЎА махсус мухбири.**  
Тошкент — Шанхай — Тошкент.

## Соғлом бола — соғлом ва тотув оила меваси



«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг самарали ижро этилиши оилаларни янада мустаҳкамлашдек эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

► Давоми 2-бетда.

### ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

## «Ёшларга оид давлат сиёсати

уни амалга оширишда бизнинг ўз ўрнимиз бўлиши керак!»

Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти Фарғона вилоят бўлими ташаббуси билан ўтказилган семинар-тренингда партиянинг ёш фаоллари шундай деб қатъий таъкидлашди.

ҳуқуқий фаоллигини оширишда тарғиботнинг ўрни, ёш сиёсатчиларни тарбиялашда «Истиқбол» ёшлар қанотининг роли масалалари муҳокама этилди. — Давлатимиз мустақилликка эришган йилларда унинг олдида турган муҳим ва мураккаб вазифалардан бири янги жамиятга мос янги авлодни тарбиялаш ҳамда шакллантириш эди, — деди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Маҳмуджон Маҳмамов. — Айтиш керакки, ўтган давр мобайнида бу борада ҳавас қилса арзиғулик натижаларга эришилди ва ана шундай ёшлар қатлами шаклланди.

► Давоми 2-бетда.

### ЎзХДП САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН:

Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари иштирокини кучайтириш ЎзХДПнинг устувор вазифаси ҳисобланади.

### ҚОНУН ВА ШАРҲ

## Кучли фуқаролик жамияти

кучли сиёсий партиялар орқали шаклланади

Демократлаштириш изчил ва мунтазам ривожланадиган жараён бўлиб, халқ ҳокимиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, сиёсий партиялар учун ҳуқуқий майдонни кенгайтиришга шароит яратади. Янги конституциявий нормалар, қонунларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар эса ана шу мақсадларга хизмат қилади. Зеро, кучли фуқаролик жамияти, аввало, кучли сиёсий партиялар воситасида шаклланади.

⇒ 2



### ЎЗБЕКИСТОН ДЎСТЛАРИ

## Ўзбекистонни Ватаним деб биламан

дейди «Дўстлик» ордени соҳиби япониялик археолог Кюдзо Като

...Илмий фаолияти Марказий Осиё тарихи, этнографияси, археологияси ва санъатининг биз учун номтаълим бўлган саҳифаларини очишга ёрдам берган япон профессори жаноб Като минтақамизнинг ишрик тадқиқотчиси ҳисобланади...

...Шахсан мен бу инсоннинг айнан бизнинг халқимиз олдида қилган эзгу ва олижаноб ишларини мамнуният билан эътироф этиб, айтмоқчиман: бу заҳматқаш олим Ўзбекистоннинг «Дўстлик» ордени билан мукофотланган. Бу юксак ишонч ушбу атоқли олимнинг ҳаётий қарашларини, эътиқодини, бутун фаолиятини яққол ифода этади, десам, ўйламанки, илгиланган бўлсам, Чунки бундай инсонлар халқлар ва давлатлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлайди, бундай ришталарсиз инсон, халқ, жамият яшолмайди. Одамзод табиати шундайки, у уруш-жапжалларга эмас, балки дўстликка, бошқа халқлар билан ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлишга интилиб яшайди. Шунинг учун ҳам мен бу ажойиб инсонга миннатдорлик билдирмоқчиман.

Ислам КАРИМОВ

### ЎзХДП: ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ

## Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими

электратнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва сиёсий модернизация жараёнларининг самараси кўп жиҳатдан фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигига боғлиқдир. Чунки киши фуқаролик бурчи ва масъулятини чуқур ҳис қилса, атрофда руй бераётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини теран англаша, унда элу юрт равнақида дахлдорлик туйғуси кучаяди. Шу боис ЎзХДП Марказий Кенгаши ва ҳудудий партия ташкилотларида 2006 йилдан бери мунтазам равишда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида сиёсий ўқув семинарлари ўтказиб келинмоқда. Бугун давр олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда. Конституциямизнинг 21 йил-

3

Жорий йил 26-31 май кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайлов округларида учрашувлар ўтказилади.

ЎзХДП фракциясининг бузуи бўлиб ўтадиган мажлисида мазкур мулоқотларни ҳар томонлама самарали ташкил этиш масалалари муҳокама этилади.

2



ЎЗБЕКИСТОН ДЎСТЛАРИ

Ўзбекистонни Ватаним деб биламан

дейди «Дўстлик» ордени соҳиби япониялик археолог Кюдзо Като

Жаноб Като билан «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференцияда танишдик. У кишига интервью олиш мақсадим борлигини билдирдим. Келишилган вақтда учрашдик. У дўкандан беқасам камзул олмоқчи экан. Кийиб кўриб, биздан «ярашдимми» деб сўради. Ҳаммамиз ярашганини айтдик. Кюдзо Като келишилган пулни бергач, сотувчи бир қисмини қайтариб, «меҳмонлар учун чегирмамиз бор» деди. Като хурсанд бўлди. Дўкандан чиқар эканмиз «Ўзбекларнинг тантилигига қойил қоламан» дея таъкидлади.



Ўзбекистоннинг бой тарихи бор. Бу ерда ишлаш ҳар қандай археологга завқ бағишлайди.

олимлари ўрта асрларда дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган. Бу билан ўзбекистонликлар ҳақи равишда фахрланарди керак. Конференцияда жаҳоннинг ривожланган давлатларидан келган олимлар катнашди. Халқаро анжуманининг очилиш маросимида Ислам Каримовнинг нутқ сўзлаши барчага ўзгача руҳият бахш этди. У киши ўз маърузасида камтарин меҳнатининг эътирофи эгани менга чексиз мамнуният ва гурур бағишлади.

Бу фақат менинг ютуғим эмас. Сурхондарёда мен билан елкама-елка туриб, бирга ишлайётган ҳамкасбларимнинг ҳам ютуғидир. Улар ҳақиқий фидойи одамлар. Ўз оиласидан узоқда, турли қийинчиликларга

қарамай сеvimли касби билан шуғулланмоқда. Конференция айнан Самарқандда ўтказилгани бежиз эмас. Самарқанддаги қадимий бинолар ҳар қандай одамга ўша давр маданияти билан танишиш имконини беради. Мен бу шаҳарни томоша қилганимда ўзимни худди ўрта асрларда юргандек сезаман.

Ўзбекистон халқига хос бўлган одатлар ичида сизга энг ёқадигани қайси? Кўпчилик айтган, лекин мен ҳам айтаман, сизларда ҳеч қайси халқда учрамайдиган меҳмондўстлик бор. Одамларнинг самимий муносабати, ҳар қандай ҳолатда ҳам меҳмонни табассум билан, илқ қарши олиши таҳсинга сазовор.

Президентингиз Ислам Каримов жуда меҳрибон инсон. У киши ҳар қандай одамнинг кўнглига йўл топа олади. Бу давлат раҳбари учун жуда муҳим жиҳат ҳисобланади. Илқ муомала, ўзига яқин олиши, ҳар доим ишларим, соғлиғим ҳақида сўраганида энг қадрлаётган одамим билан гаплашгандек бўламан.

Ўзбекистон раҳбари менинг меҳнатларимга юксак баҳо бе-

риб, «Дўстлик» ордени билан мукофотлаган. Ўзбеклар — дўстликни, дўстларни қадрлайдиган халқ. Бу ерда менга худди қариндошдек бўлиб қолган одамлар бор. Ҳаётимнинг катта қисми Ўзбекистонда ўтганидан жуда хурсандман.

Япон ва ўзбек халқларида ўхшаш жиҳатлар бор. Масалан, одам ажратмаслик. Иккала халқ ҳам танишган одамига, аввало, инсон сифатида муомала қилади. Унинг ким бўлиб ишлаши — иккинчи масала. Кейин катталарга бўлган ҳурмат ўзбек ва япон халқларида доим биринчи ўринда турган.

Ўзингиз ҳақингизда гапириб берсангиз.

1922 йилда туғилганман. Талабалик вақтида Иккинчи жаҳон урушида сапёр сифатида катнашганман. 1945 йилнинг августидан Манжурияда Квантун армияси мағлубиятга учради. Мен асирга тушдим. 1950 йилгача Сибир ўрмонларида дарахт кесдим. Шу жараҳанда рус тилини ўргандим. Вақти келиб озод бўлдим ва юртимга қайтиб, Токиодаги Жочи университетининг герман филологияси факультетига ўқидим. Асирликдаги ҳаётим ҳақида «Сибир япон қалбида» номи китобим нашр қилинди. 1983 йилда Осака университетининг доктори даражасини олдим.

Ўзбекистон халқига тиллақингиз?

Халқингизда ўзaro меҳр-оқибат, бирдамлик тушунчалари сақланиб қолишини истайман. Ўзбекларда оилани муқаддас билиш ҳисси японлардан устун. Тарихдан маълумки, ўзининг асрий қадриятлари, анъаналарини сақлаб қолган халқ буюк ишларга қодир бўлади.

Мен ўзбек халқини, Ўзбекистонни севаман.

«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АЪЗАМ суҳбатлашди.



Электромобилнинг зарари



аён бўла бошлади

Келажак автомобиллари бўлмиш электромобиллар экологик тоза, атроф-муҳит ва инсон саломатлигига ҳеч қандай зарари йўқ, деган қарашларни кейинги тадқиқотлар шубҳа остида қолдирмоқда. Маълум бўлишича, электромобил ҳаракатини таъминловчи аккумулятор ва кабеллар қучли электр майдонини юзага келтирилади. Бу ҳайдовчи ва йўловчилар саломатлиги учун зарарлидир.

«The New-York Times» газетаси хабар беришича, мутахассислар магнетометр ёрдамида магнит майдонидagi электр қучини ўлчашгани, уларда хавотир пайдо бўлган: электромобилда узоқ вақт юриш касалликлар пайдо бўлишига замин яратиши эҳтимолдан холи эмас.

Фарбий Европа ва америкалик мутахассислар бу хавфни инкор этмаяптилар. Бирок мазкур транспорт тури жамият ҳаётида ҳали янги бўлгани боис, электр магнит майдонидagi нурланиш даражаси қанча миқдордан ўтса инсон саломатлиги учун зарар келтириши ҳозирча аниқланмаган.

Кариесга қарши



янги восита

Бугунги кунда тишларнинг кариесга учраши ўзига хос муаммолардан бирига айланган. Тўғри, олимлар томонидан кариесга қарши ва унинг олдини олиш бўйича тиббий воситалар яратилган. Бирок улар билан барибир муаммони тўлиқ бартараф эттиришнинг удрасидан чиқиб бўлмаяпти. Негаки, муолажа туяга ҳақ эки унинг олдини олиш юзасидан қўлланилаётган профилактика воситаларидан фойдаланиш тўхтатилгач, барибир кариесни келтириб чиқарувчи микроблар тишларга йиғилиб, яна «фаолият»ни бошламоқда. Шу боис англиялик бир гуруҳ олимлар бу борада изланиш ва тадқиқотларни давом эттириб, ажойиб ютуққа эришдилар.

Маълумки, «стрептококкус мутанс» микроблари тиш юзасига ёпишиб, қанд моддаларига «ишлов» беради ва уни кислотага айлантиради. Бу эса тиш эмалини емириб, кариес ривожланиши учун қулай шароит туғдиради.

Тадқиқот вакилларидан бири доктор Чарльз Келлининг айтишича, англиялик олимлар яратган тиббий восита эса айнан «стрептококкус мутанс» бактерияларига қарши қартилганлиги билан ажралиб туради, дея хабар беради «Мир новостей» хафталиги.

Мазкур озиз чайиш воситаси уч ҳафта давомида синовдан ўтказилди ва натижа чакимас. Айнан шу амалиётдан кейин уч-тўрт ойгача озиз бўшлиги «стрептококкус мутанс» бактериясидан холи юрди. Бу бактерия бўлмагач эса кариес ҳам бўлмайди.

Ҳозир мазкур тиббий воситани янада мукамаллаштириш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Олимлар яна бир неча йиллардан сўнг унинг савдога чиқарилишини айтмоқдалар.

— Ҳар гал Япониядан юртингизга келарканман, самолёт кўниши билан мен учун қадрли бўлган Ўзбекистонга соғ-саломат етиб келганимдан хурсанд бўламан, — дейди у. — Ўзбекистонда бўлиш, бу ерда ишлаш — мен учун катта бахт.

Ўзбекистон тарихи билан сизни нима боғлайди?

Тарихда Кушон давлати алоҳида ўринга эга. Чунки Кушон давлатида буддизм динининг асл ҳолати мавжуд бўлган. Ўзбекистонда эса бу даврга оид кўплаб тарихий обидалар топилиган.

Хусусан, ўзбекистонлик олим Баҳодир Турғунов 1989 йил Далварзиптадан топилиган 3 буддавий ҳайкалчаларни Япониянинг Нара шаҳрига олиб борганди. Бундан таъсирланиб Далварзиптадаги будда ибодатхонасида ишлаш учун

Давом. Бошланғич 1-бепда.

Дастлаб Ўзбекистонга сайёҳ сифатида келган эдим. Энди эса ўзимни ўзбекистонлик деб ҳис қиламан.

Санъатшунослик илмий тадқиқот институти экспедицияси билан шартнома туздим.

Ўзбекистонда кўрганларим, бажарилган ишлар, халқнинг турмуши ҳақидаги рус, инглиз ва япон тилларида чоп этилган «Жанубий Ўзбекистон тарихи» ҳамда «Далварзипта шаҳристон» китобларини Президент Ислам Каримовга тақдим этганман.

Япониялик бўлсам ҳам Ўзбекистонни Ватаним деб била-

ман. Шунинг учун ҳам мени Термиз шаҳрининг фахрий фуқаролигига қабул қилишди.

Юртингиз тупроғида сир-синоат кўп. Бу юрда инсон камол топиши учун ҳам табиий, ҳам тарихий, ҳам замонавий шарт-шароит, имконият мавжуд. Дастлаб Ўзбекистонга сайёҳ сифатида келган эдим. Энди эса ўзимни ўзбекистонлик деб ҳис қиламан.

Ўзбекистоннинг бой тарихи бор. Бу ерда ишлаш ҳар қандай археологга завқ бағишлайди. Шунинг учун ҳам бу қадимий юртдан кетгим келмайди. Ўз сеvimли ишим билан машғулман. Ҳозир Сурхондарёдаги ишларимизни давом эттиряпмиз. Ўйлайманки, топилишларимиз билан бутун дунёни хайратга солаемиз.

Самарқандда ўтказилган конференция ҳақидаги фикрингиз?

Бу факулдодда муҳим анжуман бўлди. Маълумки, Шарқ

Ўзбекистон раҳбари менинг меҳнатларимга юксак баҳо бериб, «Дўстлик» ордени билан мукофотлади. Ўзбеклар — дўстликни, дўстларни қадрлайдиган халқ. Бу ерда менга худди қариндошдек бўлиб қолган одамлар бор. Ҳаётимнинг катта қисми Ўзбекистонда ўтганидан жуда хурсандман.

МОДЕРНИЗАЦИЯ

Замонавий экскаваторлар

Ургангда чиқмоқда

Хоразм вилояти марказида «UzXCVG» Ўзбекистон — Хитой кўша марказида иш бошлади. Мазкур корхона «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг эски экскаватор заводи ўрнида барпо этилди.

Ушбу янги корхонада гидравлик экскаваторлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари тайёрланади. Ҳозиргача дастлабки йиғилган 10 дона экскаватор бюртмачиларга етказиб берилди. Йил охиригача эса 200 дона ана шундай маҳсулот ишлаб чиқарилади. Корхона тўлиқ куват билан ишлаш бошлагач, 400 нафар ёш иш билан таъминланади. Уларнинг кўпчилигини касб-хунар коллежлари битирувчилари ташкил этади.

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташаббуси билан Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзкимё-саноат» ДАК ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида Қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар мавзусига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Инновацион лойиҳалар

ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда

Анжуманда вазирлик ва компаниянинг масъул ходимлари тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини оширишга йўналтирилган инновацион лойиҳалар ишлаб чиқаришнинг ҳў-

қарори мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашда муҳим омил бўлмоқда, — дейди «Ўзкимё-саноат» ДАК инновация маркази директори Абдулла Дадаҳўжаев. — Қарор доирасида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси кенгайтирилиб, илмий муассасалар томонидан яратилаётган инновацион ишланмалар орасидан энг истиқболлилари амалиётга жорий қилинапти.

Тадбирда кейинги йилларда мамлакатимиз олимлари томонидан яратилиб, амалиётда кенг қўлланилаётган янги инновациялар ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, анжуманда инновацион ишланмаларнинг истиқболли режаларига тўхталинди ва журналистларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб қайтарилди.

Роҳиля АБДУЛЛАЕВА, ЎЗМУ талабаси.

Ташкилий, ҳуқуқий ёрдам

экспорт маҳсулотлари кўпайишига, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади

Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузуридagi Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Хоразм вилоят филиали томонидан жорий йилнинг январь-апрель ойларида 15 дан ортқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий, ташкилий хизматлар кўрсатилди.



Бунинг натижасида умумий қиймати 0,5 млн. АҚШ долларидан ортқ маҳсулотлар Россия, Хитой ва Жанубий Корея давлатларига экспорт қилинди.

Бундан ташқари, вилоятнинг барча туманларида ўтказилаётган учрашуларда жамғарма томонидан кўрсатиладиган хизматлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун яратилаётган қулайликлар, имтиёзлар ва шароитлар тарғиб қилинмоқда. Бунинг самараси ўларок, Хонқа туманидаги «Жиласун Тошкент» МЧЖ ва бошқалар жамғарма ҳамда унинг хорижий ҳамкорлари ҳисобидан халқаро ярмарка ва кўргазмаларда иштирок этиб, 3 млн. АҚШ долларини миқдоридa экспорт шартномаларини имзолаши кўтилмоқда.

«Ўзстандарт» агентлигининг «Хоразм синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат кор-

хонаси билан биргаликда ишлаб чиқариш корхоналарида сифат менежменти тизимлари (СМТ)ни жорий этиш орқали уларнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда жамғарма молиявий кўмағида 4 корхонада халқаро стандартлар талабларига асосан СМТни босқичма-босқич жорий этиш ишлари бошлаб юборилди.

Шунингдек, филиал томонидан ишлаб чиқарувчилар экспорт қилиш жараёнида дуч келиши мумкин бўлган муаммо ва масалалар ечимларини ўз ичига олган 14 хилдаги буклетлар тайёрланиб, маслаҳат-маълумот сифатида тақдим этилмоқда.

Хушнуд НАЗАРОВ, Жамғарманиннг Хоразм вилоят филиали директори.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

РЕКЛАМА

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё Радиотелевизион маркази

қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очик танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

«Сурхондарё РТУМ Учқизил РТСда видеоназорат тизими, периметр қўриқлаш сигнализацияси ва автоматик ёнгини сигнализацияларини такомиллаштириш».

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 436,809 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 364,007 млн. сўм, қурилиш муддати — 6 ой.

Буортмачи: Сурхондарё Радиотелевизион маркази. Манзили: Термиз шаҳри, С.Раҳимов кўчаси, 2-уй. Тел/факс: 223-12-83, 223-12-56.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — «Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази» ДУК маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида катнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: мазкур объектада ишларни бажариш учун зарур бўладиган махсус лицензияга ҳамда мудофаа объектларини куриш ва таъмирлашни амалга ошириш учун махсус лицензияга, танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридagi айланама маблағлар ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода катнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектурилиш» кўмитасининг Сурхондарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шақлантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/факс: (8-376) 221-44-73, 221-44-76. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиши кун ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши, эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда — Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

# Ҳар куннинг ҳикмати

## ҚАДР

**Ёши улуг кишилар билан суҳбатлашсангиз, яхши китоб ўқигандай бўласиз. Чунки бу даврнинг ўз дошиманглиги бор. Бунда йиллар давомида мисқолаб йиғилган тажриба ва билим ётади.**

Шундай инсонлардан бирини йўқлаб, уйига бордик. У киши бизни дарвоза олдида кутиб олди. Ёши 80 дан ошган, ҳассага таянган бу нуруний бутун умрини илмга бағишлаган элшунос ва этнограф олим Билал Аминов эди.

— Бугун 11-март ташкарига чиқшим, ёш ўтган сайин сабрасиз бўлиб қоларкан киши. Ичкарига кирар эканмиз, ота-хон менга қарата шундай деди: — Тагин мени хаста деб ўйламанг, бемор одам кула ол-

маслигини биласизми, — дея жилмайиб кўйди.

Суҳбатлашдик. Утмиш ва бугун, фандаги янгиликлардан сўз очилди. Айниқса, гап тарихий шахслар ҳақида борар экан, тажрибали элшунос бизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Соҳибқирон Амир Темур ва Тошкент мавзусида тадқиқот олиб бораётган.

У кўзойнагини тақиб, кўлз-маларни варақлай бошлади.

— Соҳибқирон бобомиз бу

кўхна шаҳардаги муқаддас қадамжоларни обод қилган. Сизга бир воқеани айтиш: Амир Темур Сеистондаги жангга яра-ланади. Бу вақтда Тошкентда машҳур Мош табиб истиқомат қилар, Соҳибқирон ундан шифо топиш ниятида эди. Табиб бу улуг зотни даволайди.

Олимнинг кўлз-маларига тикилиб қолдим. Улар анча қалин, бунинг устига, кўп меҳнат сарфланган эди. Гоҳида улар олимнинг кўлларини чарчатиб, кўларини толиқтириб қўяр, шунга қарамай, бор кучини хануз илмга сарфлаётган бу инсоннинг сиймосида ҳаёт ва илмга муҳаббат яққол кўриниб турарди.

— Кўп гапириб юбордим чо-ги, — деди у хижолатомуз. — Аммо айтмасам бўлмайди, ахир ортқча вақтим йўқ, шо-шилишимиз керак.

Узоқ йиллардан буён бир нарсани ўйлаб юраман. «Юр-тимизда музейлар кўп. Аммо нон музейи, кулги музейи ҳам ташкил қилинса... Кирган одам шукрона қилса, кайфияти кўта-

**Мавзу ҳикматларга етди. Билал отанинг бир одати бор экан: фарзандларидан тортиб ҳали мактабга чиқмаган невараларигача ҳар куни биттадан ҳикматли сўз ёдлатади.**

рилса. Барибир элшуносман-да, шуларни айтгим келади.

Мавзу ҳикматларга етди. Билал отанинг бир одати бор экан: фарзандларидан тортиб ҳали мактабга чиқмаган невараларигача ҳар куни биттадан ҳикматли сўз ёдлатади. Нафни кейин биласиз, дейди. Амир Темурнинг «Авал йўлдош — кейин йўл», «Бирликсиз куч бўлмас», «Адоват эмас, адолат ёнғиди», «Қурашиб эришил-маган галаба эмас», «Филнинг думи бўлгунча, чу-

молининг боши бўл», «Лочини учарга мадори келмаса, чумчуққа масҳара» каби халқ ичида машҳур бўлган нақллар яна бир қарра эсланди. Ай-ниқса, саркарданинг «Ҳар кимдан кенгаш олдим, ҳар кимдан фикр ўргандим: қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил ҳазинасида сақлаб, ишлата билдим» деган сўзларига чу-қур тўхталди.

Кун ботарга етди. Тез-тез суҳбатлашиб туриш шарти билан хайрлашдик. Кетар чоғим-



## КЎРГАЗМА

### Инсон манзаралари

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар давлат музейида Халқаро музейлар кунига бағишлаб ҳайкал-тарош Азамат Ҳотамов ва рассом Феруза Мусахоноваларнинг график асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Унда рассомлар Тўра Қўрғоёв, Чори Бекмуродов ҳамда Камолддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Низомий номидаги педагогика университети, Республика рассомлик коллежи талабалари, музей ходимлари, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

— Истеъдодли рассом Ферузанинг самимий ва беғубор чизгиларида Ватанга бўлган ҳечқис меҳри кўр-миз, — дейди **Ўзбекистон халқ рас-соми Тўра Қўрғоёв**. — Ижодкорнинг суратларида инсон манзаралари, му-ҳаббат туйғусининг рангин жиллола-ри акс этган.

— Бугунги кўргазмадан асосан гра-фик ишланмалар ва ҳайкалтарошлик услубидаги асарларим ўрин олган, — дейди **Феруза Мусахонова**. — Сўнгги йилларда тасвирий санъатнинг гра-фика тури ривожланиб бормоқда. Келажакда чет элларда ҳам кўргаз-мамни ташкил қилиш орзуим бор.

**Ҳамдабону АШУРОВА, УзМУ талабаси.**

## СПОРТ

### Самарқанд жамоаси ғолиб

Андижонда триатлон бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Сузиш, югуриш ва велоспорт бўйича ўтган ушбу баҳсларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоалари ғолиб-лик учун кураш олиб борди.

Учта ёш гуруҳи доирасида эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида ўтказилган мусобақалар якунига кўра, энг юқори натижани қайд этган Самарқанд ви-лояти учқурашчилари ғолибликни қў-лга киритди.

Мусобақаларни ушқоқлик билан ўтказган Қашқадарё вилояти жамоа-си иккинчи, андижонликлар учинчи ўринга сазовор бўлди.

— Триатлон бўйича беш қарра мам-лакат чемпионлигини қўлга киритдим, — дейди мусобақа ёшлар гуруҳи ғоли-би, Андижон вилояти жамоаси аъзо-си Билолиддин Фахриддинов. — Бу яқинда Қозғоғистоннинг Олмаота ша-ҳрида бўлиб ўтадиган халқаро турнир олдида тийёргарлик вазирасини ўтди. Ўзбекистон терма жамоаси са-фида ана шу турнирда муваффақият-ли иштирок этди. Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказиладиган ўсмирлар Олимпиадасига йўллама олишни ўз олдимга мақсад қилганман.

Мусобақа ғолиблари ташкилчилар томонидан муносиб рағбатлан-тирилди.

**Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ, УзА мухбири.**



# Интерактив хизматлар — ҳам қулай, ҳам тежамкор

Ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур эта олмаймиз. Шу боис мамлакатимизда аҳолининг кундалик фаолиятида ахборот технологияларини кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Президентимизнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш тўғрисидаги қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.



Барча соҳаларда жорий этилаётган замонавий коммуникация технологиялари ахборот алмасув ва мижозларга хизмат кўрсатишнинг ҳам қулай, ҳам тезкор воситаси ҳисобланади. Бунга «ASIA ALLIANCE BANK» очик акциядорлик тижорат банки томонидан тақдим этилаётган инновацион йўналишдаги молиявий хизматлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Замонавий технологиялар асосида янги тизимларни изчи аналга ошираётган ва ма-софавий банк хизматларини кўрсатаётган «ASIA ALLIANCE BANK» савдо ва хизмат кўр-сатиш корхоналарида, бошқа хўжалик субъектларида 676 терминал, 7 инфокиоска ва 1 банккомат ўрнатган. 43,5 минг-тадан ортқ мижоз «ASIA ALLIANCE BANK» пластик картчо-қаси воситасида мамлакатим-издаги барча банкларнинг 129 мингдан ортқ терминал-лари орқали харид ва хизмат-

лар учун нақд пулсиз тўловни амалга оширишмоқда. Энди-ликда аҳолига транспорт хиз-мати кўрсатувчи компаниялар ҳам мобил алоқа воситаси орқали ишловчи савдо терми-

наларидаги мобил телефо-нингиз ҳисобини тўлдир-иш учун бирор жойга бориши-нгизга ҳождат қолмайди. Мобил телефонингиздан \*880# ра-қамини терасиз, сўнгра тўлов

**«ASIA ALLIANCE BANK» ОАТБ мамлақати- мизда биринчи бўлиб жисмоний шах- сларга масофавий хизмат кўрсатиш учун чакана тўловлар тизимини жорий этди. «CLICK» деб номланган ушбу тизим ту- файли мобил алоқа, интернет, комму- нал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш янада осон ва қулай бўлди. Нега десангиз, «CLICK» тизимидан исталган вақт ва исталган жойдан туриб фойдала- ниш имконияти мавжуд.**

налларидан фойдаланиб, тў- ловни пластик картчоқда амал- га оширишни йўлга қўйган.

миқдорини кўрсатиб, шахсий ПИН-код билан тасдиқлайсиз. «UzCard Online» картасига эга

ҳар бир киши «CLICK» тизими- дан фойдалана олади. Бунинг учун исталган инфокиоска ёки банккоматда картчоқангизни «SMS хабарнома» хизматига улашингиз, «CLICK» тизими ор- қали тўловларни амалга оши- риш учун мобил телефонингиз- дан \*880# рақамини териб рўйхатдан ўтишингиз лозим. Айтиш керакки, «CLICK» хизма- тидан наинки исталган русум- даги мобил телефондан, бал- ки мобил алоқа учун ҳисобингиз- га пул қолмаган тақдирда ҳам фойдаланиш имконияти бор. Андроид амалиёт тизими- да ишловчи мобил телефо- нлар ва iPhone учун «CLICK ёрдамчи» иловасини ўрнатса ҳам бўлади. Бу илова орқали ушбу тизимдан фойдаланиш эса янада осон ва қулайдир.

«CLICK» тизими учун хизмат кўрсатувчилар рўйхати тобора кенгайиб бораётир. Ҳозирдан- ноқ мобил телефонингиз орқали 40 турдаги тўловни бемалол амалга ошира оласиз. Дар- воқе, «CLICK» тизими ёрда- мида «GRILL.UZ», «AVTECH.UZ» ва «BEANBAG.UZ» каби онлайн магазинларда тўловлар амал- га оширилганда 10 фоиз чеги- ра берилмоқда. Ҳозир «CLICK»



хизматларидан 200 мингдан ортқ «UzCard Online» эгаси фойдаланмоқда. Интернетда- ги <https://my.click.uz> — манзи- ли бўйича саҳифа орқали ҳам «CLICK» тизими хизматларидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун «ASIA ALLIANCE BANK» ОАТБда «CLICK» тизими бўй- ича ўзаро ҳисоб-китобларга мах- сус ҳисоб рақамини очиб, уни тўлдирингиз кифоя.

2012 йилдан бошлаб «ASIA ALLIANCE BANK» томонидан



мижозларига «Visa» халқаро тў- лов тизими картчоқлари му- малага чиқариб келинмоқда. Мижозларга хизмат кўрсатиш «Visa Classic» ва «Visa Gold» карталарини очиш мумкин. Улар орқали терми- наллар ва интернет ёрдамида

«Union Pay International» халқ- ро тўлов тизими карталари муомалага чиқариш мумкин. Уш- бу карталар Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида жуда оммалашган, жаҳоннинг кўпчи- лик мамлакатларида ҳам кенг ўрин эгаллаб бормоқда.

**«Union Pay» карталари эмиссияси бош- лангани муносабати билан банк томо- нидан акция ўтказилмоқда. Шунга кўра «Visa» карталари эгалари «Union Pay» картасини комиссия тўловсиз очиш- лари, йиллик хизмат кўрсатишга ҳақ тўла- масликлари мумкин. Дарвоқе, у «Visa» картаси ҳисоб рақамига боғланган, мижоз иккита карта — «Visa» ва «Union Pay» ёрдамида ўз маблағидан фойдала- ниш имкониятига эга.**

нақд пулсиз харидларни амал- га ошириш, шунингдек, бутун дунё бўйлаб банккоматлар ва банк кассаларидан нақд пул олиш имконияти мавжуд. Шуб- ҳасиз, «Visa» карталари хориж- га сафарингизда жуда қўл ке- лади, ташриф буюрган мам- лақат валютасида ҳисоб-китоб қила оласиз, чунки маблағлар бир валютадан иккинчисига ав- томатик тарзда ўтказилади.

Яқиндан бошлаб «ASIA ALLIANCE BANK» томонидан Хитойнинг

Мухтасар айтганда, «ASIA ALLIANCE BANK» очик акция- дорлик тижорат банки замона- вий технологиялар асосида тақдим этаётган тезкор ва те- жамли молиявий хизматлар мижозларга янада қулайлик яратмоқда, уларнинг молия муассасасига ишончини мус- таҳкамламоқда.

**Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.** Хизматлар лицензияланган.

**MUASSIS:**

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

### TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45  
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56  
E-mail: [info@uzbekistonovozi.uz](mailto:info@uzbekistonovozi.uz)

**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 560  
18743  
nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220  
t — Tijorat materiallari  
O'za yakuni — 04.10  
Topshirilgan vaqti — 05.30

**Sotuvda kelishilgan narxda**

Navbatchi:  
**Bardambek SA'DULLAYEV**  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
**Sobirjon BANG'ATOV, Zafar TUKIROV**

ISSN 2010-7433

1 2 3 4 5